

## Тоқатларингиз етган нарсада

14:38 / 09.08.2017 3190

*Ибн Умар розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:*

**«Қачонки Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қулоқ осиш ва итоат қилиш ҳақида байъат қилсак, сизга, тоқатларингиз етган нарсада», дер эдилар».**

**Шарҳ:** Абдуллоҳ ибн Умар розияллоҳу анҳунинг бу гапларидан кўриниб турибдики, саҳобалар томонидан Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга байъат такрорланиб турган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг:

**«Тоқатларингиз етган нарсада»,** дейишлари Исломнинг умумий қоидасига мувофиқ гапдир. Исломда инсондан унинг тоқатидан ташқари нарсани талаб қилиш йўқ.

Ушбу ҳадисдан олинандиган фойдалар:

1. Саҳобаи киромларнинг Расулуллоҳ алайҳиссаломга қайта-қайта байъат қилганликлари. Демак, раҳбар билан унга эргашганлар орасидаги аҳднома – байъат вақти келганда янгиланиб туриши мақсадга мувофиқ экан.
2. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга қулоқ осиш ва итоат қилиш ҳақида ҳам байъат қилинганлиги.
3. Ислом динида инсонни тоқатидан ташқари нарсага таклиф қилиш йўқ экани.